
FARG'ONA VILOYATI SO'X TUMANI HOKIMINING Q A R O R I

-
-
-

FARG'ONA VILOYATI SO'X TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

Rovon shaharchasi 151400. A.Temur ko'chasi 95-uy.Tel (73) 462 50 30.

15- феврал 2021yil

№ -31

Сўх туманида жисмоний ва юридик шахсларга қарашли

бўлган транспорт воситаларини 2021 йилда мажбурий

техник кўриқдан ўтказиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунига (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 11 июлдаги

ПҚ-3127-сон [қарорига](#), Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сон, (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 1-2-сон, 17-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1010-сон (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2017 й, 09/17/1010/0461-сон) қарорларига ҳамда туман Ички ишлар бўлимининг 2021 йил 05 январдаги 07-сонли хатига мувофиқ, туманда транспорт воситаларини 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш самарадорлигини оширишни таъминлаш мақсадида:

Қ а р о р Қ и л а м а н :

1. Туман Ички ишлар бўлимининг 2021 йил 05 январдаги “Сўх туманида жисмоний ва юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларини 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан 5 ўтказиш ҳақида”ги 07-сонли мурожаати ва илова қилинган ҳужжатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 11 июлдаги

ПҚ-3127-сон [қарорида](#)

2018 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бўлинмаларининг жисмоний шахсларга тегишли энгил автотранспорт воситаларини (кейинги ўринларда жисмоний шахсларга тегишли энгил автотранспорт воситалари деб аталади), юк, йўловчи ва махсус транспорт воситалари бундан мустасно, мажбурий техник кўриқдан ўтказиш бўйича функцияларини юридик шахслар тадбиркорлик субъектларига улар кўрсатадиган хизматлар учун қатъий нархлар ҳамда ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликка оид талабларни белгилаган ҳолда босқичма-босқич ўтказиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Сўх туманида жисмоний ва юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларини 2021 йилда техник кўриқдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларинининг техник қўригидан ўтишнинг жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар бир йилда икки марта, биринчи марта 1 мартдан - 30 июнгача, иккинчи марта 1 октябрдан - 31 октябргача техник кўриқдан ўтказилсин.

5. Туман Ички ишлар бўлими (Ш.Тўраев), туман худудида жисмоний ва юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларини 2021 йилда мажбурий техник кўриқдан ўтказиш муддатлари, жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситалари 2021 йилнинг январь ойидан 31 августига қадар, юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситалари 1 мартдан - 30 июнга қадар техник кўриқдан ўтказиш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига, халқаро (давлатлараро, ҳукуматлараро) ташкилотлар ва уларнинг ваколатхоналарига, шунингдек ушбу ваколатхоналар ва ташкилотларнинг ходимларига ва уларнинг оила аъзоларига қарашли бўлган автототранспорт воситалари ва уларга тиркамалар ушбу Низомга мувофиқ умумий асосларда техник кўриқдан ўтказилиши назарда тутилсин.

7. Комиссия аъзоларининг ўртача ойлик маошлари сақланган ҳолда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига (ДИҲХХ) ўз вақтида келишларини таъминлаш соҳага оид малакали мутахассислар ажратиб бериш корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор “Садои-Сўх” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Белгилансинки, мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари С.Мурзоев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

С.Сайидмусаев

**Сўх туманида жисмоний ва юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларини
2021 йилда техник кўригидан ўтказиш бўйича комиссия**

ТАРКИБИ

№	Ф.И.Ш.	Лавозим вазифалари	
1	Ш.Тураев	Давлат йўл хавфсизлиги хизмати катта инспектори, комиссия раиси	
2	У.Мамажонов	Туман қишлоқ хўжалик техникалари назоратчиси	
3	Ш.Орипов	Сўхгидроқурилиш МЧЖ бош механики	
4	Д.Партобов	Туман АТП-151 МЧЖ бош механики	
5	М.Девонаев	Туман мудофаа бўлими бошлиғи ўринбосари	

Туман ҳокимининг
2021 йил 30 январдаги
13-сонли қарорига
2-илова

Тумандаги корхона-ташкilotлар тасарруфидаги автототранспорт воситаларни

2021 йил техник куриқдан утказиш

ЖАДВАЛИ

Т/р	Хужалик ва ташкilot номи	Буйсунувчи вазирлиги	Ўтиш куп
1	Туман марказий шифохона ва санитария эпидимология бирлашмаси	Соғликни саклаш вазирлиги	02.04.2021
2	Кооператив СОХ “Сўх” ширкат хужалиги ва туман хокимлиги	Махаллий саноат концерни Кишлоқ ва сўв хужалик ваз.	03.04.2021 12.04.2021
3			
4	МТП	Кишлоқ ва сўв хужалик ваз.	22.04.2021
5	151-автокорхона	Автотранспорт вазирлиги	23.04.2021
6	“Сўхгидрокурилиш” (собиқ 5 А\К)	Сўв курилиш вазирлиги	05.05.2021
7	“Озод” ширкати	Кишлоқ ва сўв хужалик ваз.	07.05.2021
8	Ватанпарвар ташкilotи	Ватанпарвар жамияти	12.05.2021
9	Сўх АИБ	Йўл курилиш вазирлиги	18.05.2021
10	Бизнес мактаби	Олий ва ўрта вазирлиги	21.05.2021
11	Сўх газтаъминот	Ўз.Р газтаъминот	26.05.2021
12	Ситораи тобон МЧЖ	Бошка вазирликлар	29.05.2021
13	Сўх гидро-транс МЧЖ	Бошка вазирликлар	01.06.2021
14	АЁКШлар	Ўзбек нефт холдинг	02.06.2021
15	Сўх йуловчи транс	Автотранспорт вазирлиги	04.06.2021
16	Сўх Чашма	Бошка вазирликлар	08.06.2021
17	Комунал хужалик бирлашмаси	Бошка вазирликлар	09.06.2021
18	Ободонлаштириш бошқармаси	Сўх йуловчи транс МЧЖ	09.06.2021

Эслатма :жадвалда кўрсатилган автосаройларда бошқа корхона, ташкилотлар автотранспорт воситалари шартнома асосида сақланса ушбу жадвалда кўрсатилган куни шу ташкилот билан бирга ўтказилади

Туман ҳокимлиги девонхона мудири

А.Турабоев

2021-02-22 15:57:11